



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

МАҲАЛЛАЛАРДА
БАНКЛАР БИРИНЧИ
ЯРИМ ЙИЛЛИКДА
3 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД
АҲОЛИНИ ДАРОМАДЛИ
МЕҲНАТГА ЖАЛБ КИЛДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
30 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№61
(2285)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga ОБУНА БОШЛАНДИ!

Ҳар икки нашримиз
2026 йил давомида
Сизга энг яқин ва ишончли ҳамроҳ,
ҳуқуқий маслаҳатчи ва
илғор тажрибалар майдони
ҳамда ошкора мулоқот
минбарига айланади.

ОБУНА БЎЛИНГ ВА УНУТМАНГ —
“МАНАЛЛА”НИ ҲАР КУНИ ВА
ҲАР ДОИМ ҲАР БИР РАИС
ЎҚИШИ КЕРАК!



Ҳа,
айтганча,
ҳар иккала
нашрнинг
обуна нархи
ўзгармаган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“ЕТТИЛИК”

“РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА”

ПЛАТФОРМАСИДА ИШ ЮРИТАДИ



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “маҳалла еттилиги”га масъул вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида “Рақамли маҳалла” платформаси юзасидан муҳокама бўлиб ўтди.

Унда маҳаллаларни рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва платформанинг имкониятлари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, “маҳалла еттилиги” фаолиятини тўлиқ рақамлаштирилган тизим асосида юритиш бўйича кўрсатма берилди.

Бугунги кунда платформа орқали:

- 9 008 та маҳалла, 7 миллионга яқин хонадон, 37 миллион нафардан ортиқ аҳоли маълумотлари тизимга киритилган;
- 401 та кўрсаткичдан иборат “Маҳалла баланси” шакллантирилган;

• “Ягона саволнома” орқали 2 миллиондан ортиқ муаммо аниқланиб, 86 фоизи маҳалланинг ўзида бартараф этилган;

• миграция, субсидия, маҳалла бюджети ва ижтимоий ёрдамлар бўйича модулар ишлаб турибди.

Айни вақтда “маҳалла еттилиги” вакиллари 20 дан ортиқ турли платформалардан фойдаланмоқда. Эндиликда уларнинг барчасини “Рақамли маҳалла” платформасига интеграция қилиш белгиланди. Ийгилишда платформани такомиллаштириш, ахборотлар автоматик янгиланиши, ягона электрон реестр юритилиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.



КЎМАК

“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Карорга кўра, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар — “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларга, уй-жой шароитларини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш бўйича ижтимоий ёрдамлар — ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг икки бараваридан кўп бўлмаган оилаларга ҳам тақдим этилади.

Юқоридаги жамғармаларга тушган маблағлар ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар туман (шаҳар)лардаги маҳаллалар,

“Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар сонига мутаносиб равишда ҳар бир маҳалла кесимида тақсимланади. Маҳаллий Кенгашлар мазкур маблағлар миқдорини фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб камайтириши ёки кўпайтириши мумкин. 2025 йил 1 сентябр-га қадар “маҳалла еттилиги”нинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисида 1 августга қабул қилган коллегиял қарорларига харажатлар амалга оширилади.

2025 йил 15 августга қадар “Ягона миллий ижтимоий Ҳимоя” ахборот тизими орқали “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ваучер асосида ёрдам

кўрсатиш тизими жорий этилади. Мазкур тизим дастлаб Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятида синовдан ўтказилади.

Қарор билан тасдиқланган тегишли иловаларга кўра, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган хотин-қизларга “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тураржой ижараси учун — тўловларнинг 50 фоизи, бироқ кўпи билан БҲМнинг икки бараваригача (1 августдан 824 минг сўм), Тошкент ва Нукус шаҳри, вилоят марказларида БҲМнинг уч бараваригача (1 236 000 сўм) миқдорда қоплаб берилади. Шу тоифадаги аёлларнинг уй-жойини таъмирлаш учун БҲМнинг 50 бараваригача (20 600 000 сўм) пул берилади.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ,
СИЗ-ЧИ?”

МУТОЛААГА ЭХТИЁЖ ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ

Барно ШАҲЗОДАЕВА, Андижон шаҳридаги “Маданият” маҳалласи раиси:

— Маҳалла раиси сифатида ишлаган йилларим кўп ҳақиқатларни тушуниб етишимга ёрдам берди. Халқ билан раҳбардек эмас, унинг яқин инсонидек мулоқот қилишимиз жуда муҳим экан. Шунда улар сизга ишонади, сиз ҳам уларнинг муаммоси ва дардини тўлиқ ҳис этиб маслаҳат бера olasiz.

Кимгадир йўл-йўриқ кўрсатишдан аввал ўзимизда билим ва тажриба



етарли бўлиши зарур. Бунда мен “Mahalla” газетасидан доимий равишда фойдаланаман. Фуқароларнинг муносабатларига мос мақолалар билан танишиб, амалда қўллашга ҳаракат қиламан. Хатто идорамизга муносабат билан келганларга газета-ни мақтаб-мақтаб, тавсия қиламан. Замонамиз шиддат билан ўзгариб, техника илғорлаб боргани билан инсоннинг мутолаага бўлган табиий эҳтиёжи сўнмайди. Шунинг учун ҳар йили “Mahalla”га обуна бўлишни қанда қилмайман.



ЎЗБЕКИСТОН БАҲОДИРИ
БАҲОГА МУҲТОЖ ЭМАС



ИНСОНДАН ИНСОНГАЧА
БЎЛГАН МЕҲР-ЙЎЛИ



Президент Шавкат Мирзиёев маданият ва санъат, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Давлатимиз раҳбарига АНДИЖОН ВИЛОЯТИда ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар юзасидан ахборот берилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОН, ҚАРОР, ФАРМОЙИШ ВА ТОПШИРИҚЛАРИ ижросининг назорати янада кучайтирилади.

ТАҚДИМОТ

“Менинг маҳаллам”, бу — ҳар бир фуқаро ҳар куни ўйлаб, фикрлаб ва яшайдиган маскан ҳақидаги фильм

Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида “Менинг маҳаллам” бадийи фильмининг премьераси бўлиб ўтди.



Фильм Кинематография агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида “Ўзбекфильм” киноконцерни томонидан суратга олинган бўлиб, унда “маҳалла еттилиги” — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолияти, улар орқали маҳалла ҳаётидаги долзарб масалалар ёритиб берилган.

Фильмда маҳалланинг ҳамюртларимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, дўстлик, меҳр-оқибат, жасорат, фидойилик, ватанпарварлик каби юксак инсоний қадриятлар жуда самимий тарзда тасвирланган. Дарҳақиқат, инсон тақдир, унинг бутун ҳаёти, яхши ва синовли кунлари маҳалла билан бевосита боғлиқдир.

Премьерада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан таширф буюрган минг нафардан ортиқ томошабин, жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар, ижодкорлар, ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Этиборга молик жиҳати, мазкур фильм тақдмоти нафақат Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида, балки республикаимизнинг барча вилоятларида бир вақтнинг ўзида 10 мингдан ортиқ томошабинга тақдим этилди.

Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Кинематография агентлиги директори Шухрат Ризаев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов жамият ҳаётида, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларида, одамлар муаммоларини ҳал этишда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бораётгани, мазкур фильм эса эзгу миллий қадриятларимиз, анъаналаримизнинг тарғиботида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Фильм сценарий муаллифи – Хуршид Дўстмуҳаммад, режиссёр – Абдухалил Мигноров, постановкачи оператор – Музаффар Юсупов. Постановкачи расом – Муҳаммадали Раҳимов. Картина директори – Фарход Усмонов.

Фильмда реал ҳаётдан олинган лавҳалар, ижтимоий масалаларнинг ечими ва инсонийлик руҳининг устуворлиги муҳим ўрин тутгани аҳамиятга молик. Картинада асосий ролларни Дилором Каримов, Фарход Абдуллаев, Шоҳрух Ҳамдамов, Лола Элтова, Толиб Мўминов, Мўмин Иброҳимов каби актёрлар ижро этган.



Шунингдек, Кинематография агентлиги томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказига фильмнинг махсус нусхаси эсдалик совға сифатида берилди.

Тақдимот давомида маҳалла фаолиятини тарғиб этиш, миллий қадриятларимизни санъат орқали ёритиш борасида фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ ижодкорларга “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони топширилди.

Янги картинанинг премьераси юксак руҳда ўтди ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

“Ҳар бир мурожаат ечим топмагунча назоратимизда бўлади”

Беш-олти йил аввал аҳоли бир қатор муаммолардан азият чекарди. Яшаш шароити оғир аҳволда эди. Бирламчи воситалар — ичимлик ва оқова сув, электр таъминотида узилишлар кузатиларди. Фарзандларимизни сифатли таълим-тарбия олиши учун мактабга таълим ташкилоти етишмасди.

Низом ОЛТМИШЕВ, Жиззах шаҳридаги “Нурлибод” маҳалласи раиси.

Маҳалла раиси сифатида иш бошлаган илк кундан, шу муаммоларга ечим топишга киришдим. Худудда истикомат қилувчи 1 521 нафар аҳолининг хоши-истаги ўрганилди. Биринчи навбатда, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга, инфратузилмани яхшилашга эътибор қаратиш муҳимлиги аниқланди. Ҳар бир мурожаат ҳал этилмагунча назоратда бўлишига эришдик. Халқ ишончини қозониш, асосий вазирамизга айланди. Балки шунгадир, жорий йил бўлиб ўтган маҳалла раислари сайловида аҳоли ишонч билдириб, лавозимга қайта сайландим. Бу зиммамга улкан масъулият юклаганини ҳис этиб, янги режалар туздик. Жумладан, қурилиш-ободонлаштириш ишлари авж олди. Нурлибод кўчаси шағаллаштирилди. 15 дона эски симёғоч бетон устунга алмаштирилди. Битта трансформатор ўрнатдик. Айни пайт тarmoқ тортиш ишлари давом этапти.

“Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлик натижасида бирорта муаммо ечимсиз қолмапти. Хотин-қизлар фаоли Гузал Анорбо-



ева кўмагида 787 нафар аёл тўлиқ хатловдан ўтказилди. Уларнинг 83 нафари “Аёллар дафтари”га киритилди. Ҳозирги кунда 6 та тоифадаги хотин-қизларга босқичма-босқич ёрдам кўрсатилляпти.

Салтанат Иброҳимовига жорий йил субсидия асосида тикув машинаси берилди. Ҳозирда бу аёл яшаш хонадонидида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, 3 нафар шогирдига касб сирларини ўргатяпти. Қимирлаган қир ошар, деганларидек, кредит ҳисобидан ҳовлисидаги 2 сотих ер майдонидида иссиқхона ташкил этиб, 24 туп лимон кўчати парваришляпти. Бундан ташқари, 1-тоифадаги ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминладик. Рўйхатга олинган 44 нафар хотин-қизнинг 80 фоизи ишли бўлди.

Ёшлар етакчиси Муродқосим Ҳасанов мавжуд 400 нафар йигит-қиз билан индивидуал ишлашни йўлга қўйган. “Ёшлар дафтари”га киритилган 10 нафарига зарур

ёрдам кўрсатилди.

Ҳоким ёрдамчиси Мирҳайдар Акбаров билан ҳамкорликда талабгорларга имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз. Йил бошида 20 нафар талабгор кредит учун ариза берган бўлса, бугунгача уларнинг 7 нафарига “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида 33 миллион сўмдан маблағ ажратилди.

“Халқобод дизайн” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Сайфиевга маҳалла кўмагида 100 миллион сўм имтиёзли кредит тақсимида берилди. Бу маблағ ҳисобидан тадбиркор ванна ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозирда кичик корхонада 4 нафар маҳалладошининг бандлиги таъминланган. Саъй-ҳаракатимиз натижасида 29 нафар ишсизнинг барчаси ўзини ўзи банд қилди.

Тажрибамдан келиб чиқиб, ютуқлар омили — бирдамлик ва ҳамжиҳатликда, деган хулосага

келдим. “Маҳалла еттилиги” билан тотувлигимиз рақамларда бўй кўрсатяпти. 2024-2025 йилларда бирорта жиноятчилик, оилавий ажралишлар кузатилмади, ишсизлар қолмади.

Илмсизлик эмас, балки илмга интилмаслик айб, деганларидек, биз ҳам интилишдан тўхтамаяпмиз. Белгиланган режани амалга ошириш йўлида изланяпмиз. Шу кунларда маҳалладан ўтган 1,5 км. узунликдаги ариқни бетонлаштириш ҳаракатидамиз. Бу масала юзасидан шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик. Мутахассислар келиб, ўрганишди. Пахта терими тугагандан кейин, масала ижобий ҳал этилишини таъкидлашди. Бундан ташқари, яна бир режамиз бор. Худудда жойлашган 13-умумтаълим мактаби ёнидаги 1,5 гектар бўш ерга кичик футбол майдони қуришни белгиланганмиз. Бу орқали ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиб, спорт билан мунтазам шуғулланишига имконият яратилади.

ЖАРАЁН

Томорқаси бор одам ишсизман, деб айтмайди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳи Самарқанд вилояти Окдарё туманида ўрганишлар олиб борди.



Республика ишчи гуруҳи Окдарё туманидаги “Миёнқол” ва “Авазали” маҳаллаларида аҳоли турмуш даражасини ошириш, уларни доимий ойлик даромад билан таъминлаш, йиғинларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бора-сидаги ишлар ҳолатини ўрганди. “Миёнқол” маҳалласи аҳолиси ғалладан бўшаган ер майдонларида ҳамда ўз томорқаларида ҳосилдор ва харидорбоп маҳсулотларни етиштириб, даромад топомқда. Ўш навбатда аҳоли томорқадан олинган даромадларини уй-жойини яхшилаш, фарзандлари таълими ва маҳалла ободлиги йўлида сарфламоқда.

Ўрганиш жараёнида аҳоли билан суҳбатлашиб, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича кўмак кўрсатиш, ишсизлар бандлигини таъминлаш каби вазифалар

белгилаб олинди.

“Авазали” маҳалласида жойлашган 12-умумтаълим мактабидида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида “Долзарб 90 кун” тадбирлари ташкил этиляпти. Ишчи гуруҳи аъзолари фан ва спорт мусобақалари, турли маънавий-маърифий тадбирларда қатнашди. Шунингдек, мактабнинг янги ўқув йили, куз-киш мавсумига тайёргарлиги билан танишилди.

Республика ишчи гуруҳи ташаббуси билан Окдарё туманининг “оғир” тоифадаги “Учтепа” маҳалласида “Уч авлод учрашуви” ўтказилди. Маънавий-маърифий тадбирда сўз олганлар бугун ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар ҳамда улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳусусида фикр билангилди. Тадбир доирасида турли спорт мусобақалари, тасвирий санъат намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“МИНГТУТ” КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи Қўқон шаҳридаги “Мингтут” маҳалласида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

— Маҳалла кўздан кечирилганда, бир қатор ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи А.Зиёвуддинов. — Жумладан, дастур асосида белгиланган ички кўчаларни асфальтлаш, электр таъминоти, ичимлик ва оқова сув, чиқинди тармоғини тортиш, янги оилавий поликлиника қуриш ишлари бошланган.

“Маҳалла еттилиги” ходимлари билан мулоқот давомида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш каби масалаларга янада жиддий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Қувонарли жиҳати, “Мингтут” маҳалласи камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланиб бормоқда.

Ўрганиш давомида маҳаллада яшовчи тадбиркор Б. Исматиллаев фаолияти билан танишилди. Бу ерда 200 та иш ўрни яратилган. Тайёр маҳсулотлар маҳаллий ва хорижий бозорга сотилмоқда. Корхона фаолиятини янада кенгайтириш учун тадбиркорни қўллаб-қувватлаш лозимлиги белгиланди.





Президент фармонига кўра, ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалар алоҳида тузилма сифатида БЕВОСИТА БИРИНЧИ РАХБАРЛАР БЎЙСУНУВИГА ўтказилади.



Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини баҳолайди.



Ҳукумат қарори билан ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИШ бўйича ишларни давлат ҳисобига олиш тартиби белгиланди.

ҲОЛАТ

Ҳоким ёрдамчиси бўлиб, бир уйни обод қилмасанг, турмушини тузатмасанг, уят бўлади

Маҳалла “драйвери” — узумчилик. Аҳолининг 90 фоизи шахсий томорқасида узум етиштиради. Асосан, майиз ҳолига келтириб сотиш ривожланган. Бор имкониятдан фойдаланиш ҳамманинг қўлидан келади. Лекин йўқдан бор қилиш, катта меҳнат маҳсули ҳисобланади.

Шаҳзод МАҲМУДОВ, Кўшработ туманидаги “Шована” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Шу боис фаолиятимнинг дастлабки йилида аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун яна нималар қилиш мумкин, деган саволга жавоб изладим. Ўрганишлар натижасида ҳудудда жуда катта иқтисодий захира борлигини аниқладим. Яъни, ҳудуддан катта йўл ўтган бўлиб, бу хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш имкониятини беради. Тезда режа тузиб, уни амалга оширишга киришдик. Хизмат кўрсатишга ихтисослашган савдо дўконлари иш бошлади. Табиийки, янги иш ўринлари пайдо бўлди. Шунингдек, паррандачилик ва асалари-чиликни ривожлантирдик. Яна бир эътиборли жиҳат — ўтган йили инфратузилма яхшиланди. “Обод маҳалла” дастури асосида маҳалла оғир ҳудуд тоифасидан чиқарилди. Дастурни амалга ошириш доирасида 1 000 га яқин хонадон таъмирланди, 500 та ярқисиз симёғоч бетон устунга алмаштирилди.



18 км. электр тармоқ тортилди, ярқисиз ҳолга келган 4 та трансформатор янгиланди, 9 таси таъмирланди. Маҳалладан ўтувчи 4R-55 Митан-Кўшработ-Нурота йўлининг 9-15 километр оралиғи асфальтланди, 4 км. пиёдалар йўлағи қурилди. Шунингдек, янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда кутубхона ташкил этилди. Бунёдкорлик ишлари давомида нуронийлар маскани, тикувчилик корхонаси, кичик бозорча иш бошлади.

Аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида 20 гектар деҳқон хўжалиги

ер майдони 40 нафар ишсиз фуқарога берилди. Деҳқончилик учун 2 та артезиан қудуқ қазилди. Натижада 40 та оила доимий даромадга эга бўлди. Катта йўл ёқасида 15 та хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаси барпо этилиб, 30 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 150 нафар фуқарога қорвачилик, паррандачилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, касаначилик ва бошқа соҳалар бўйича жами 3,5 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағи берилди.

Жорий йил ҳам ҳаракатдан тўхтамасди. Олдимизга янада катта мақсадлар қўйганмиз.

Жумладан, маҳаллани ишсизлик, камбағаллик ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, тadbиркорликни янада ривожлантириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Бу режаларни амалга ошириш мақсадида ҳар бир камбағал оила учун индивидуал режа ишлаб чиқдик. Шу режа асосида 61 та камбағал оиланинг 10 тасини доимий иш билан таъминладик, 12 тасига имтиёзли кредит олишда қўмаклашдик. 5 нафар оила вакилини касб-хунар ва тadbиркорликка ўқитдик.

Бугунги кунгача 20 дан зиёд янги корхона ташкил этдик.



50 нафарга яқин фуқаро якка тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтишига ёрдамлашдик. Мисол учун, паррандачилик йўналишида тadbиркор Элёр Тилолов “Шована олмоси” корхонаси фаолиятини йўлга қўйган. Айни пайт бу ерда 8 000 дона жўжа боқилмоқда. 40-45 кунда 50-80 млн. сўмгача даромад олиш имконияти мавжуд. Яна бир тажрибали тadbиркор Отабек Юсупов “Сартоқчи мрамари” мрамар тошлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий корхонага асос солган.

Фаолиятимда айрим тўсиқлар учрапти. Масалан, ҳудудда хонадон эгалари томорқадан самарали фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилиши учун оқова сув йўқ. Шу сабабли экинлар сувсизликдан қуриб, қўтилган ҳосилни бермапти. Агар шу муаммо ҳал бўлса, юзлаб ишсизлар томорқада ўзини ўзи банд қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Саида ШОКИРОВА. Уйчи тумани:

— Ишсизлигим учун “Аёллар дафтари”да рўйхатда турганман. 2024 йилда ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида мономарказда тикувчилик курсини тамомладим. Маҳсул савдога олишга, субсидия асосида тикув машинаси берилди. Айни пайтда хонадонимда тикувчилик фаолиятини олиб бораётман. Мени ҳам коммунал хизматлардан қарздорлигим тўлаб бериладими?

“КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИГИМ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИМИ?”



Акмал ОЧИЛОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ҳамда “Саховат ва қўмақ” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, коммунал хизматлар бўйича қарздорликни қоплаш учун “Камбағал оилалар реестри”га киритилган бўлишингиз керак. Бундай оилаларга мавсумий тарзда бир йилда икки мартагача ва моддий ёрдам ажратилиш кўрсатилган. Қарор асосида бу миқдор маҳаллий манбалар ҳисобидан янада қўпайтирилиши мумкин.

Қарорда мазкур маблағлар коммунал хизматлар бўйича таъминот корхоналарига шартномага мувофиқ тўғридан-тўғри ўтказиб берилиши белгиланган.

Асосий талаб “Камбағал оилалар реестри”да бўлишингиз керак. Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун ахтиёрманд оиланинг коммунал хизматлардан қарздорлиги борлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси талаб этилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Фаолият таҳлил қилинди, шароитлар ўрганилди

Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси томонидан Норин туманидаги маҳаллалар ҳолати ўрганилди.



Жараёнда “Шўририк”, “Дўмар”, “Тўлқин” ҳамда “Тошлоқ” фуқаролар йиғинларида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари билан танишилди.

— Ўрганиш давомида “маҳалла еттичилиги” фаолияти таҳлил қилиниб, ходимларга яратилган шароитлар кўздан кечирилди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Икромов. — Фаоллар билан суҳбатда аҳоли бандлигини

таъминлаш, миграцияда ноқонуний юрган ва кам даромадли фуқароларни юртга қайтариш чораларини кўриш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, ёшлар билан ишлаш, ижтимоий ҳимоя ва маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, кўп йиллардан бери юқорида кўрсатилган маҳаллалар аҳолисини ўйлантираётган муаммо — тоза ичимлик сув таъминоти, болалар боғчаси, поликлиника, йўл, маҳалла фуқаролар йиғинига бино қуриш масалалари бўйича

муражаатлар тингланди. Шунингдек, сув таъминоти, электр ва йўл қурилиши бўйича мутасадди идоралар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Шундан сўнг “Кўрғонча” маҳалласида жойлашган 30-умумтаълим мактабида инвестиция дастури доирасида мавжуд 180 ўринли бинони мукаммал таъмирлаш ва янги 150 ўринли қўшимча бино қуриш ишлари кўздан кечирилди. Жараёнини тезлаштириш, бунда сифатга алоҳида эътибор қара-тиш муҳимлиги таъкидланди.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Пуржангиз етса агар пиёз экинг...

Пиёз шифобахш, овқат ҳазм қилиш хусусиятига эга фойдали сабзавот тури ҳисобланади. Мутахассислар маҳаллий шароитда яратилган эртапишар “Сумбула”, “Оқдур”, ўртапишар “Истикбол”, “Зафар” навларини экишни тавсия этади.

Рустам НИЗОМОВ, Сабзавот, полиз экинлари, картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори.

Юртимизда бу сабзавот тури эрта-баҳорги, ёзги-кузги ва тўқсонбости шаклида экилади. Ёзги-кузги муддатда шимол вилоятларда 15 август — 1 сентябрь, бошқа вилоятларда 15 август — 10 сентябрда уруғи қадалади. Пиёз уруғи ёзги-кузги ва тўқсонбости муддатда гектарига 20 кг.гача сарфланади. Уруғлар ерга 1,5-2 см. чуқурликка қўмилади. Дастлаб бўйи 6-8 см.га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган ҳолга келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Экиш учун текисланган майдонга фосфор ҳамда калий ўғитлари маҳсул мослама ёрдамида сепиб чиқилади. Бу майдонларни “ПН-3-35”

русумли плуг билан 28-30 см. чуқурликда ҳайдаш тавсия этилади. Агар майдон шўрланган ёки ёввойи ўтлари кўп бўлса, чуқурлик 35-38 см. гача этади.

Пиёз попул илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашади. Шунинг учун ернинг устки қисмида асосий озуқа элементлари кўп бўлиши лозим.

Ундан 30 тоннагача ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга тупроғи юқори унумдор майдонларда 250 килограмм азот, 200 килограмм фосфор, 80 килограмм калий, ўртача унумдор тупроқларда 300 килограмм азот, 220 килограмм фосфор ва 90 килограмм калий, паст унумдор тупроқларда 320 килограмм азот, 220 килограмм фосфор ва 100 килограмм калий берилиши лозим. Омиқкор деҳқонлар гектаридан 80-100 тонна ҳосил олади. Бундай ҳолатда ўғитлар миқдори шунга мос



равишда ортирилади. Пиёз учун мақбул бўлган азот ўғити аммиак селитраси, фосфор ўғитларидан эса суперфосфат, аммофос ўғитида. Турли даражада шўрланган ерларда пиёз етиштирилганда азот ўғити сифатида аммоний сульфат, калий ўғитларидан калий хлорид, калий сульфат кабиларни бермаслик керак. Улар тупроқда оз миқдорда бўлса ҳам шўрланиш даражасини оширади. Ўсимлик униб чиқаётганда, ўсиб ривожланишига, ниҳоят, олинадиган ҳосилга, маҳсулот сифатига салбий таъсир этади.

Пиёз экилиши биланоқ кетма-кет суғорилади. Уруғини қийғос ундириб олиш учун уруғ суви берилади. Бунда сув жилдирашиб оқизилиб, марзанинг тепаси қорайгунча тўхтатилмайди. Шунда тупроқ бир текис намиқиб, уруғнинг ёппасига қўқариши учун шароит яратилади. Ўсимлик яхши илдиз отиб, ўзини обдон ўнглаб олгунча сувдан қолдирилмайди.



Пахта етиштиришга ажратилган имтиёзли кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг бир қисми СУБСИДИЯ СИФАТИДА ҚАЙТАРИЛАДИ.



Андижонда ШЕРАЛИ ЖҲРАЕВ НОМИДАГИ МУСИҚА ВА САНЪАТ ОЛИЙ МАКТАБИ, ҳудудларда симфоник оркестрлар ташкил этилади.



Бухорода илк бор ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИ ўтказилади, Нукусда ҳунармандлар ва дизайнерлар учун алоҳида ҳудуд ажратилади.

ИМКОНияТ

Ўзбекистон баҳодири баҳога муҳтож эмас

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзи ва спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга ошириб келинмоқда. Яқинда қабул қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжат — “Ўқувчиларнинг физиология ва антропометрия ҳолатига баҳо бериш орқали уларни спорт турларига йўналтириш ҳамда спортни оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори шулар жумласидан.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бу қарор фарзандларимизнинг соғлом ва келажақда етук спортчи бўлиб вояга етиши учун илмий асосланган амалиётдир. Унга кўра, энди мактабларда ҳар бир ўқувчининг физиологик ва антропометрик кўрсаткичлари махсус электрон тизим орқали баҳоланади ва шу асосда қайси спорт турига қобилияти юқори экани аниқланади.

Ҳар бир бола — истеъдод! Кўп ҳолларда боланинг спортга қизиқиши бор,

лекин унинг тана тузилиши, ҳаракат қобилияти у ёки бу спорт турига тўғри келмаслиги мумкин. Баъзан эса аксинча — у ўз қобилиятдан беҳабар бўлиб, ўзини спортда синаб ҳам кўрмайди. Бу қарор айнан шундай ҳолатларга барҳам беради. Энди ўқувчи спортга тасодифан эмас, илмий асосланган тавсиялар асосида йўналтирилади.

Бунинг учун мактаб ҳамширалари ҳар йили ўқув-семинарларда иштирок этиб, болаларнинг тана тузилиши, ўсиши, мушак массаси, ҳаракат динамикаси каби кўрсаткичларни баҳолайди. Ушбу маълумотлар “Электрон соғлиқни сақлаш” ва “ERP-maktab” ахборот



тизимларига киритилади. Натижада боланинг қайси спорт турига қобилияти юқори экани электрон равишда акс этади ва уни шу йўналишда ривожлантириш имкони пайдо бўлади.

Илмий ёндашув амалиётда қандай кўринади? Тасаввур қилинг: бир бола чаққон, чидамли, бўйи узун — у баскетбол ёки югуришда ўзига хос натижа кўрсатиши мумкин. Бошқаси эса ҳаракатчан, тез реакцияга эга — у учун бокс, таэквондо ёки гимнастика мос. Шу пайтгача бу танловни кўп ҳолларда мураббий “кўз” билан қилган бўлса, энди илмий асос билан танланади. Бу истеъдодларни эрта кашф этишда катта бурилишдир!

Яъни, бу қарор фарзандларимизнинг соғлом ва ҳаракатчан бўлиши, спортдаги истеъдодини тўғри йўналтириш учун ишончли пойдевор. Бир қарашда шунчаки тиббий кўриқдек кўринса-да, аслида, у ҳар бир бола тақдирига дахлдор. Болалигида тўғри йўлни топган ўқувчи — эртанги куннинг чемпионлари, фахримиз, эл-юртимиз ғурури бўлади.

Ўз кучига ишонган, маррани баланд олган, бу - ЎЗБЕКнинг фарзандидир

Бугунги кунда маҳалламизда истиқомат қилаётган 575 нафар ёш орасида фидокор, меҳнатсевар ва мақсадли йигит-қизлар кўпчилиكنи ташкил этади. Кимдир тадбиркорликни танлаган, бошқаси ҳунар ўрганиб, ҳалол меҳнат билан даромад топомоқда. Шуни алоҳида фахр билан айтиш мумкинки, ёшларимиз орасида ўз кучига ишонган, интилувчанлар сони тобора ортиб бормоқда.

Камронбек ТУРҒУНОВ, Фориш туманидаги “Боғдон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳалари асосий “драйвер” саналади. Ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишлар ҳозирча етарлича ривожланмаган бўлса-да, бир гуруҳ ёшларга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилиб, улар ўз фаолиятини бошлаб юборган. Жумладан, 4 нафар ёшга субсидия, 10 нафарига имтиёзли кредит олиб берилган. Бугунги кунда улар меҳнат қуроллари ва устачилик учун зарур дастгоҳлар билан таъминланиб, ўз касби орқали даромад топомоқда.



Шунингдек, кўплаб ёшлар 33 миллион сўмгача бўлган имтиёзли кредит асосида ўз тадбиркорлигини бошлаб юборган. Масала, ёшларимиздан бири ёз мавсумида талаб юқори бўлган музқаймоқ хонаси очиб, ишини йўлга қўйди. Бугун унинг фаолияти жуда харидорғир, бу эса бошқа ёшларга ҳам ўрнак бўлмоқда. Шунингдек, ёшлар орасида ҳунарга қизиққанлар ҳам кам эмас. Уларнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун 5 нафар йигит-қизни истаган йўналишни бўйича касб-ҳунарга ўқитдик. Уларга субсидия асосида пайвандлаш ускуналари ажратилди. Бугун улар ҳам ўз ҳунари билан даромад топомоқда, ўз ҳаётини ўзгартирмоқда.



Айниқса, уйда кичик цех ташкил этиб, ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтираётган якка тартибдаги тадбиркор ёшларимиз билан фахрланамиз. Улардан бири Рустам Исмолов — уйда дераза ва эшик ишлаб чиқаради, ёнида 2-3 нафар шогирдга устозлик қилмоқда.



Нигина Носирова эса субсидия асосида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, ҳозирда 6 нафар қизни иш билан таъминлаган. Улар ҳам ҳалол меҳнати билан ризқ топомоқда.

Маҳалламиз туман марказида жойлашгани сабабли хизмат кўрсатиш жойлари

кўплиги билан бирга, айрим салбий ҳолатлар — майда безорилик ва ҳуқуқбузарликлар ҳам учраб туради. Ҳар доим ҳам бу ҳодисалар бевосита бизнинг ёшларга тегишли бўлмаса-да, биз бу вазиятга бефарқ бўла олмаймиз. Ёшларни салбий таъсирлардан асраш мақсадида профилактика инспектори билан ҳар жума кунни тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борамиз. Мактаблар, кўчалар, компьютерхоналар, ёшлар йиғиладиган жойларга бориб, фикр алмашамиз, суҳбатлар ўтказамиз.

Шу ишларнинг самарасида пробация назоратига тушган 2 нафар ёшни бефарқ қолдирмадик. Улар билан алоҳида суҳбат ўтказдик, моддий муаммоларини инобатга олиб, хизмат кўрсатиш соҳасига ишга жойлаштирдик. Бири устага шогирдликка кириб, ҳунар сирларини ўрганмоқда. Энди у ҳам субсидия олиш учун ҳоким ёрдамчисига ариза топширмоқчи — мақсади тикув машиналари сотиб олиб, ўз фаолиятини кенгайтириш.

Маҳалламиз ёшларининг спортга бўлган қизиқиши катта. Айниқса, футбол уларни бирлаштирадиган, саломатлик ва жамоавийликни тарғиб қиладиган кучли воситага айланган. “ДХХ кубоги”да мини футбол бўйича вилоятлараро мусобақада фахрли 1-ўринни қўлга киритган ёшларимизга ҳавас қилса арзийди. Уларнинг интилишини қўллаб-қувватлаш учун бир нафар футбол мураббийини жалб қилиш ниятдамиз. Ишонаманки, бу орқали маҳалламиздан келажақда футбол юлдузлари етишиб чиқади.



Маҳаллада шу вақтгача муаммолар ёшларнинг 15 нафарига ўқиш шартномаси учун тўлов амалга оширилди. Шунингдек, бир неча ёшга “Ибрат фарзандлари”, “Ustoz AI” каби лойиҳаларда таҳсил олиши учун курс тўловлари қоплаб берилди. Бугунги кунда улар ушбу имкониятдан самарали фойдаланиб, мақсадли равишда илм олишмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ИШСИЗ БЎЛИШ АЛИМЕНТ ТЎЛАМАСЛИККА АСОС БЎЛА ОЛМАЙДИ

Наргиза ОДИЛОВА, Денов тумани:

— Бир нафар болам бор. Эрим билан ажрашмоқчиман, чунки у доимо уйга ичиб келади. У эса ажрашмайман, деб туриб олган. Ҳозир отамнинг уйда яшайман. Болам учун алимент олишни хоҳлайман. Кимга мурожаат қилишим керак?



Карима ОЛЛОБЕРГАНОВА, оилавий ҳуқуқ бўйича адвокат, юрист:

— Агар турмуш ўртоғингиз доимий равишда ичкиликка берилиб, оилавий ҳаётга жиддий таъсир этса, бу ҳолатни асос қилиб фуқаролик ишлари бўйича судга никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин. Оила кодексининг 37-моддасига кўра, никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккасининг аризасига биноан суд орқали бекор қилинади.

Даъво аризаси билан бирга БҲМнинг икки баравари миқдорида давлат божни тўланади. Суд Оила кодексининг 40-моддаси ва Олий суд Пленуми қарорига мувофиқ, сизларга 3 ойдан 6 ойгача

ярашув учун муддат бериши мумкин. Агар шу муддатда ярашнинг илоҳи бўлмаса, суд никоҳни бекор қилади.

Никоҳ бекор қилинганидан кейин фарзандингиз учун Оила кодексининг 96-моддаси асосида отадан алимент ундириш ҳуқуқингиз бор. Агар ота ихтиёрий равишда тўламаса, суд орқали алимент ундириш мумкин. Бу ҳолда алимент миқдори 99-моддага асосан, бир нафар бола учун ота-онанинг иш ҳақи ва даромадининг 4/1 қисми миқдорида белгиланади.

Алимент ундириш учун ўзингиз яшаб турган ҳудуддаги фуқаролик судига алоҳида ариза киритасиз. Ишсиз бўлиш алимент тўламасликка асос бўла олмайди — суд белгиланган минимал миқдорда ундиришга ҳақли.





“ЯШИЛ БЕЛГИ”
маҳсулот ва
хизматларни
ягона ихтиёрий
экологик маркировкалаш
тартиби белгиланди.




Ўзбекистонда
115 ТОННА
ЮК КЎТАРУВЧИ
самосвал вагонлар
ишлаб
чиқарилади.



Янги тадқиқот
натижаларига
асосан,
САМАРҚАНД
ШАҲРИНИНГ ЁШИ
3000 ЙИЛ, деб
қайта баҳоланиши
мумкин.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

1 ТРИЛЛИОН ЎМЛИК ШАРТНОМА: БЕЪЪТИБОРЛИКМИ ЁКИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК?



Солиқ соҳасини рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилаётган қўпол хато ва камчиликларни барвақт аниқлаб, ҳуфиёна иқтисодиётнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси
бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Бугунги кунда Солиқ қўмитаси мавжуд маълумотлар базасини рақамли таҳлил қилиш асосида электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ) ларнинг ҳавф даражасини аниқлаш бўйича махсус ахборот тизими ишлаб чиқяпти. Мазкур тизим ҳозирда ишлаб чиқиш жараёнида бўлишига қарамадан, ЭХФни расмийлаштиришдаги қўпол қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаб кўрсатмоқда.

Масалан, “Алфа” МЧЖ (номи ўзгартирилган) чорвачилик ҳўжалиги сифатида жорий йил июль ойида рўйхатдан ўтиб, фаолиятини бошлаган. Тадбиркор сифатидаги илк шартномасига кўра, салкам 1 триллион сўм, аниқроғи 896 миллиард сўмлик (ҚҚС – 96 млрд. сўм) қора металл реализацияси бўйича ЭХФ расмийлаштирган.

Яна бир компания – “Бета” МЧЖ (номи ўзгартирилган), асосий фаолияти чакана савдо бўлгани ҳолда, ЭХФ орқали 225 миллиард сўмлик (ҚҚС – 27 млрд. сўм) қурилиш материалларини реализация қилган, бироқ ушбу махсулотлар амалда кириб қилинмаган. Шунингдек, расман рўйхатдан ўтган ходимлари ва асосий воситалари мавжуд эмаслигига қарамай, воситачилик асосида пахта толасини қайта ишлаш хизматлари бўйича 11 миллиард сўмлик (ҚҚС – 1,2 млрд. сўм) бир неча ЭХФ расмийлаштирган.

Маълумот учун, ЭХФларнинг ҳавф даражасини аниқлаш бўйича махсус ахборот тизими ҳозирда тест режимида ишга туширилган ва унда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ҳали бирон жазо чоралари қўлланилмаган.

Санъаткорлар декларация топширади

Эндиликда “Soliq” мобил иловасида “Концерт-томоша фаолияти” хизмати орқали хонанда ва ижрочилар йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни онлайн тарзда, қулай ва тез расмийлаштиришлари мумкин.

Таниқли санъаткор Отабек Муҳаммадзоҳид ушбу имкониятдан фойдаланиб, йиллик даромади бўйича декларациясини тақдим этди. Шу орқали у ҳамкасбларига ибрат бўлди.


– Солиқ тўлаш – бу фуқаролик бурчим. Энди декларацияни “Soliq” иловаси

орқали топширишни бошқа ҳамкасбларимга ҳам тавсия қиламан, – дейди санъаткор.

Агар ижодкор ўзи мустақил равишда декларацияни тўлдириш имкони бўлмаса, мобил илова орқали администраторига бу ҳуқуқни (доступни) бериши мумкин. Бу эса жараёни янада осонлаштиради.

Бунинг учун “Soliq” мобил иловасини юклаб олинг, “Концерт-томоша фаолияти” бўлимига кириш ва декларацияни онлайн юборинг. Муҳими, навбат, қўғозбозлик йўқ. Фақат бир неча дақиқалик масъулиятли қадам керак, холос.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.



СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Қонуний ишлаган тадбиркорга имконият кенг



Бугун ҳар бир ҳудудда “маҳаллабай” ишлаш тизими ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Айниқса, солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши барча учун фойдали бўляпти. Бунга бир йилдан ортиқ давомида туман солиқ инспекциясининг “маҳаллабай” бўлимида ишлаш жараёнида амин бўлдим.

Шерқўзи АЛМАТОВ,
Зарбдор туманидаги
“Тўйтепа” ва “Учкун”
маҳаллалари солиқ инспектори.

Уч ойдан буён мазкур маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳиятини тушунириб, солиқ қарздорлигини ўз вақтида тўлашларни айтияпман. Бир-икки йил тўланмай қолган мол-мулк ва ер солиғи қарздорликлари ундириляпти.

Менга бириктирилган маҳаллалар ҳудудининг асосий қисми адирликлардан иборат. Аҳолисининг аксарияти лалми ерларда ғалла, сабзавот, полиз ва боғдорчилик билан шуғулланади. Сўнгги йилларда ёғингарчилик яхши бўлмаётгани учун одамлар артезиан қудуқлар қазиб, деҳқончилик фаолияти-

ни яхшилаб, қўшимча даромад топишга интиляпти. 245 нафар фуқаро 1 гектардан ер олиб, деҳқон ҳўжалиги ташкил этди.

Қарс икки қўлдан, деганларидек, “маҳалла еттилиги”нинг савй-ҳаракатлари билан одамлар ҳам ишли, даромадли бўлишга интилмоқда. Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга уларнинг имконият ва шароитларидан келиб чиқиб, йўл-йўриқ ва маслаҳат беряпмиз. Натижада чакана савдо билан шуғулланувчилар кўпаймоқда.

“Маҳаллабай” ишлаш жараёнида солиққа оид барча масалалар ойнадек кўриняпти. Ким норасмий савдо-сотик ишлари билан шуғулланаётгани, кимдир харидорга чек бермаётгани, яна кимдир иш ўрнини яшираётгани кафтдек намоён бўляпти. Шу боис тадбиркорларга онлайн назорат-касса машиналаридан

мунтазам фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ҳодимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушуниряпман. Бундан тўғри хулоса чиқарган тадбиркорлар қону-



Бугунги кунда “Тўйтепа” ва “Учкун” маҳаллаларида 35 та юридик корхона, 125 нафар яқка тартибдаги тадбиркор бор.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Айрим пайвандтагли кўчатларни харид қилиш харажатлари қопланади

Ҳукумат қарори билан “In-vitro” шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.



Низом тадбиркорларга мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган “in-vitro” шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди. Субсидиялар қуйидаги миқдорларда ажратилади:

- янги интенсив боғ барпо этган талабгорга ҳамда дала четлари, каналлар, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга экилган мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган “in-vitro” шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева кўчатларини харид қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ ҳар бир мева кўчатига 25 минг сўмдан ошмаган миқдорда;
- мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган узумнинг данаксиз ва янги нав кўчатларига 7,5 минг сўмдан, маҳаллий ток кўчатла-

рига 2 минг сўмдан ошмаган миқдорда.

Талабгор субсидияни олиш учун “Agrosubsidiya” ахборот тизими орқали қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади:

- соғлом, вируслардан холи бўлган “in-vitro” лабораториясида кўпайтирилган пайвандтагли кўчатларнинг мувофиқлик сертификати нусхаси;
- талабгор билан “in-vitro” шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик ҳўжалигининг ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси;
- кўчатлар сотиб олингани бўйича ҳисоб-фактура, “in-vitro” шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик ҳўжалигининг тавсияси ва мувофиқлик сертификати бўйича 3 йиллик кафолат хати.

Ишчи гуруҳ ҳужжатларни 3 иш кунинида жойига чиққан ҳолда ўрганади ва субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки рад этиш тўғрисидаги хулосани тасдиқлайди.

1 АВГУСТДАН ИЖТИМОЙ СОЛИҚЛАР ЎЗГАРАДИ

2025 йил 1 августдан базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) 412 000 сўмни ташкил этади. Шу боис яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ижтимоий солиқ миқдори ўзгаради.



Ижтимоий солиқлар қуйидаги миқдорларда тўланади:

- яқка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) – ойига 412 000 сўм;
- бошқа ЯТТларнинг ёлланма ходимлари учун – йилига 412 000 сўм;
- оилавий тадбиркорлар (юридик шахс ташкил этмаган):
- ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси – ойига 412 000 сўм;
- оиланинг бошқа аъзолари (18 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – йилига 206 000 сўм.
- ўзини ўзи банд қилган шахслар 31 декабрга қадар ихтиёрий асосда йилига 412 000 сўм.



Ходимлари сони 50 нафаргача бўлган ташкилотлар меҳнат шартномаларини **ОНЛАЙН** **РАСМИЙ**ЛАШТИРИШ **ИМК**ОНИЯТИГА **ЭГА** бўлади.



Ўзбекистонда бандлик органлари назорат тузилмаларидан **ҲАМКОРЛИК** **ТУЗИЛМАЛАРИГА** **АЙЛАНТИРИЛАДИ.**



Мутахассисларни топиш қийин бўлган бўш иш ўринлари **КАСБ-ҲУНАР** **ТАЪЛИМИНИНГ** **УСТУВОР** **ЙЎНАЛИШЛАРИГА** **КИРИТИЛАДИ.**

“ИНСОН” ВОЛОНТЁРЛАРИ: ИШОНЧ, ДАЛДА ВА ЕЛКАДОШ

Ғиждувон туманидаги “Ўзанон” маҳалласида яшовчи 17 ёшли Шахло Ибрагимова иродали, билимга чанқоқ ва ўз устида тинимсиз ишлайдиган қиз. У оиланинг кенжа фарзанди. Ногиронлиги бўлишига қарамай, катта марраларни кўзлаган, интилувчан ёшлар қаторидан жой олган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Шахло инглиз тилига жуда қизиқади. У “IELTS” имтиҳонидан 7 балл олган, миллий сертификат бўйича А даражага эга. Бу натижалар унинг чет тилларини чуқур ўзлаштиригандан далолат беради. Бу йил Шахло Бухоро давлат университетининг хорижий тиллар йўналишига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларига бориш ва қайтишда унга “Инсон” волонтерлари яқиндан



ёрдам беришди — уни уйдан олиб кетишди, имтиҳондан сўнг кузатиб қўйишди, йўл-йўриқ, тавсиялар беришди.

Бу кичикдек туюлган, аммо муҳим қўллаб-қувватлов ёш қизга катта куч ва ишонч бағишлади. Шахло каби билимли ва интилувчан ёшлар бизга шуни англатадики, имконият берилса, эътибор қаратилса, ҳар қандай тўсиқлар енгилади. Шахлонинг ҳаракати, меҳнати ва атрофидагиларнинг қўллаб-қувватлаши бизга бир ҳақиқатни яна қайта эслатади: ёшларимизга ишонч берсак, улар келажакни ўзлари қуришга қодир.

ТАҚДИРЛАР

МАНЗАРА

ЭЪТИБОР — куч ва ишонч бағишлайди

Мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими иш бошлагани кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг муносиб турмуш кечиришида муҳим омил бўлмоқда.



Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

Азимов маҳалладаги Мирсаид Барака кўчасида истиқомат қилади. Биринчи гуруҳ ногиронлиги бор. У ўн бир йилдан буюн ёлғиз яшайди.

– Ёлғизлик ногиронлиги бор бу инсонни оғир ижтимоий вазиятга тушириб қўйган, – дейди маҳалла ижтимоий ходими. – Тушкунликка тушиб қолган. Шу боис унга, биринчи навбатда, психологик хизмат кўрсатиб, когнитив терапия ўтказишни режалаштирдим. Бу хизмат уни тушкун кайфиятдан олиб чиқди. У ёлғиз эмаслигини ҳис этиб, ҳаётга интилиши кучайди.

Ижтимоий ходим кейинги босқичда уни “Якка ёлғизлар реестри”га олиб, ижтимоий асистент бириктириш таклифини илгари сурди. Бу ташаббусни туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази қўллаб-қувватлади. Яшаш уйи санитария-эпидемиологик

Маҳаллаларда яшайдиган бу тоифадаги инсонларнинг муаммолари “кейс-менеджмент” асосида ўрганилиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилаётгани эҳтиёжманд ва ногиронлиги бор юртодошларимизнинг турмушини ўнглаб олишига кўмаклашмоқда. Нафақат оилалари, балки маҳалладошларига ҳам бир олам қувонч улашмоқда.

Денов туманидаги Сўфи Оллоёр номидаги маҳаллада 2 минг 100 та оилада 7 минг нафардан ортиқ киши истиқомат қилади. Уларнинг 158 нафарида ногиронлиги бор. 432 та оила ижтимоий химояга муҳтож. Маҳаллада

осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ходимлари жалб этилиб, тартибга келтирилди. Ногиронлик аравачаси билан таъминланди. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази “Бўстонлик” санаторийсига йўланма бериб, соғлигини тиклашга кўмаклашди. Ижтимоий ҳаётга мослаштириб, ҳаракатланиши ногиронлик аравачасидан ҳассасга ўтказилди.

Навбатдаги босқичда маҳалладаги ижтимоий ходим Рустам Азимовнинг этикдўзлик, темирчилик касбларини ўрганганини аниқлаб, яна бир лойиҳани амалга оширмоқчи бўлди. Унинг этикдўзлик билан шуғулланиши учун олти миллион сўм маблағ эвазига маҳалладан ихчам хона қурдириб берди. Қонуний никоҳ асосида оила қургач, “Якка-ёлғизлар реестри”дан чиқарилди.

Гулзира Қурбонова Рустам аканинг ҳаёти ўзгарди, саломатлиги анча тикланиб, оила қурди, дея уни эътибордан четда қўймади. Турмуш ўртоғи билан суҳбатлашиб, унинг ҳам бандлигини таъминлашга аҳд қилди. Тикувчиликка қизиқиши борлигини эшитгач, ёрдам қўлини чўзди. Тикув машинаси билан таъминлашга кўмаклашди.

“Ижтимоий химоя ягона реестри”га киритилганларнинг 42 нафарини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. 7 нафар шахс “Якка-ёлғизлар реестри”да қайд этилган.

Маҳалладаги ижтимоий ходим Гулзира Қурбонованинг иш бошлангига кузда бир йил бўлади. У дастлабки ойдаёқ уйма-уй юриб, хонадонларнинг шароити билан яқиндан танишди. Эҳтиёжманд, ногиронлиги бор, ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантирди. Кўнглига йўл топиб, манзили ёрдам кўрсата бошлади.

– Иш бошлангичда тўрт нафар шахс “Якка ёлғизлар реестри”да рўйхатга олинган эди, – дейди Гулзира Қурбонова. – Уларнинг яшаш шароитларини ўрганиб, ижтимоий ҳаётга мослаштириш юзасидан ўзимга аниқ вазифаларни белгилаб олдим. Шу асосида ҳаракат қилиб, хизмат кўрсатишни йўлга қўйдим. Жорий йил март ойида улар реестрдан чиқарилди.

Гулзира уйма-уй юриш жараёнида яна 7 нафар кишини “Якка ёлғизлар реестри”га киритиб, тегишли хизматлардан фойдаланишини таъминлади.

Аслида, инсон қадрини улуғлашга алоҳида эътибор билан ёндашилиб, янги жамият барпо этилаётган мамлакатимизда энг хайрли вазифалардан бирини маҳалладаги ижтимоий ходимлар бажармоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қўллаб-қувватловнинг турмуши ўнғиланиб, ҳаётда ўз ўринини топомқда. Гулзира Қурбонова ҳам маҳаллада уйма-уй юриб, хатлов ўтказаяётганида Рустам Азимовнинг оғир турмуш шароитига тушиб қолганини аниқлаб, унинг ҳаётга мослашувини таъминлади.

Шу йил 49 ёшга тўлган Рустам

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ИНСОНДАН ИНСОНГАЧА БЎЛГАН МЕҲР ЙЎЛИ

Мен ижтимоий ходим сифатида меҳнат қиляпман. Бу касбни танлаб, сира адашмаган эканман. Чунки шу иш ортидан нафақат моддий, балки маънавий қўллаб-қувватлаш орқали инсонлар ҳаётига ижобий таъсир ўтказиш бахтига эришдим.



Нодира НАСРИДДИНОВА, Янгигер шаҳридаги “Бинокор” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ижтимоий ҳимоя соҳасига 2024 йилда кириб келдим. Маълумотим бўйича мутахассислигим — педагогика ва психология. Бу билимларим иш фаолиятимда менга кўп ёрдам беради. Одамлар билан муносиб тарзда мулоқот қилиш, уларни тушуниш ва кўнглига йўл топиш — энг муҳим кўникмалардир.

Айни вақтда маҳаллаимизда 4 124 нафар аҳоли истиқомат қилади. 825 та хонадон ва 1 525 та оила бор. Аҳоли орасида 187 нафар ногиронлиги бўлган шахс, 3 нафар ёлғиз кексалар, 10 нафар васийлик ва ҳомийликка олинган болалар мавжуд. 19 та хонадон “Камбағал оилалар реестри”да, 12 та оила эса “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да қайд этилган.

Ҳар бир хонадон — бир олам. Шу пайтгача 50 дан ортиқ ижтимоий кейс очиб, фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган хизматлардан фойдаланишига кўмаклашдим. Хусусан, 42 нафар эҳтиёжманд фуқаро протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди. Икки нафар шахс кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматида жалб қилинди. Бир нафар ногиронлиги бўлган бола учун кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилди. 9 нафар имконияти чекланган шахснинг бандлиги таъминланишига кўмаклашдик. 3 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро адаптив спорт турларига жалб этилди.

2025 йил апрель ойида ўтказилган “Энг яхши ижтимоий ходим” кўрик-танловида вилоят бўйича учинчи ўринни эгаллаб, республика босқичида ҳам фаол иштирок этдим. Бу мен учун ҳам шараф, ҳам масъулиятни янада оширган воқеа бўлди.

Мен фаолиятимни нафақат иш, балки юракдан келиб чиққан бир бурч, деб биламан. Шу маънода ҳудудимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг аниқ ҳисобини ўрнатиб, уларга самарали ва тизимли хизмат кўрсатишга интиляпман. Ёлғиз қолган, жисмоний имконияти чекланган инсонларга ёрдам қўлини чўзиш — ҳар биримизнинг инсоний вазифамиз, деб биламан.

Мақсадим — ҳар бир хонадонга етиб бориш, қалбларга қувонч, юзларга табассум олиб кириш. Чунки ижтимоий хизмат бу — инсондан инсонгача бўлган меҳр йўлидир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Яқинингиз ишончли қўларда бўлади

Гўзал СОБИРОВА. Хоразм вилоти:

– Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати борлиги ҳақида эшитиб қолдим. У қимларга ва қандай шартлар асосида кўрсатилади?

Дилшодбек ЮСУПОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Хоразм вилоти бошқармаси шўъба мудири:

– Камбағал оилалар ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган хонадонлардаги 18 ёшдан катта бўлган ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати кўрсатилади.

Бунда сизнинг яқинингизга қараб туриш, яъни йиқилиш ва жароҳатларнинг олдини олиш, парвариш, яъни овқатлантириш, гигиеник тадбирларни амалга ошириш, мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш каби хизматлар



кўрсатилади. Шунингдек, мураббийлик ҳам бор. Бу гаджетлардан мустақил фойдаланиш, китоблар ўқишга ўргатиш демак.

Хизмат давомида шахсга бир маҳал иссиқ овқат, икки маҳал енгил таом берилади. Беш иш куни давомида саккиз соатгача бепул хизмат кўрсатилади.

Бир сўз билан айтганда, яқинингиз ишончли қўларда бўлади. Сиз бемалол ўзингизга ва оилангизга қўшимча даромад олиб келишга вақт топасиз. Хизматдан фойдаланиш учун маҳаллангиздаги ижтимоий ходимга ёки ҳудудингиздаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилинг.



Жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўзгартиш киритилади.



КАДАСТР АГЕНТЛИГИ: Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 44,9 миллион гектар, унинг 26,2 миллион гектари қишлоқ ҳўжалиги учун ажратилган.



Нефть сақлаш омборларида чиқадиған газларни зарарсизлантириш бўйича ЯНГИ ТИЗИМ ИШГА ТУШИРИЛДИ.

МАНЗАРА

КЕЧМИШ

“Еттилик” бирдам, ҳамфикр бўлса, ҳеч бир масала ечимсиз қолмайди

Саёҳатнинг инсон қалбини доволовчи ҳусусияти борлигини биласизми? Бунга иш тажрибамда кўриб, гувоҳи бўляпман. Жорий йил бошида йўлга қўйилган янги лойиҳамиз асосида 700 нафарга яқин хотин-қизни юртимизнинг турли гўшаларига саёҳатга олиб бордик.



Мадина БАҲОДИРОВА, Иштихон туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Тошкент, Саманқанд, Бухоро ҳамда Хива шаҳарларига ташриф чоғида оилавий келишмовчиликдан тушқунликка тушган, уй юмушлари билан овора бўлиб қолган опа-сингилларимиз барча таътиллари унутиб, кайфияти кўтарилди. Энди бу ташаббусни туманимиздаги бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширишни ўйляпмиз. Маҳаллага келгунга қадар ҳокимлик ва турли партия бўлимларида

фаолият юритганман. У вақтларда ҳам бевоқиф халқ ва уларнинг муаммолари билан ишлаганман. Лекин кўйи тизимга тушиб, одамлар билан янада яқинлашдим. Аҳоли вакиллари “еттилик” кўрсатадиган кўмак ва ёрдамга ўзгача мазмун бағишлашга ҳаракат қилганман. Ҳудудимиз туман марказида жойлашгани сабабли ҳамisha гавжум. Савдо расталари, хизмат кўрсатиш бўлимларида келиб-кетувчилар кўпчиликти ташкил этади. Бундай шароитда биздан доимий сергаклик талаб этилади. Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантириш



Туман ФХД бўлими билан ҳамкорликда ҳар ойда тўрт-беш мартаба оила куриш арафасидаги ёшлар билан ўқув машғулотири ташкил этиб келяпмиз.

учун ҳам қулай муҳит юзага келади. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадида қизиқиши ва интилиши бўлган аёлларни бизнесга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Айти вақтда 1 729 нафар хотин-қиз истиқомат қиладиган маҳалламизда ишлаб чиқариш билан банд бўлганлар анчагина. Хусусан, қандолат маҳсулотлари пишириш, тикучилик, қасаначилик, ҳунармандчилик йўналишларида меҳнат қилиб, ўзи ва атрофидагилар учун фойда келтираётганларни қўллаб-қувватлашдан сира қарчмаймиз. Раҳима опа Ҳақимова шундай изланувчан аёлларимиздан бири. Ўзоқ йиллардан бери тикучилик, қуроқчилик, юмшоқ ўйинчоқлар

тикиш ҳамда соғломлаштириш маркази фаолиятини йўлга қўйиш каби соҳаларда катта натижаларга қўлга киришти келяпти. Турмуш ўртоғининг тадбиркорлик билан шўғулланиши аёлнинг ютуқларига замин ярати берди. Ёнида қўллаб-қувватловчи, ҳар жиҳатдан далда бўлувчи инсоннинг борлиги аёлга катта куч ва қувват бағишлашнинг мазкур оила мисолида яққол кўриш мумкин. Раҳима опанинг қизи эса маҳалламиздаги опа-сингилларимизнинг соғлом турмуш кечириши учун муносиб тарзда шароит ярати келяпти. Ҳозирги кунда 100 нафарга яқин аёл жисмоний фаол тарзда турмуш кечириб, соғлигини янада тиклашга эришяпти. Раҳима опа Ҳақимова маҳалла нурунийларига бош, шунингдек, туман “Оқила аёллар” ҳаракатига етакчилик қили келяпти. Ёш оилаларни муро сага келтириш, ажрашиш ёқасидаги эр-хотинларни яраштириш бўйича кўп йиллик тажрибага эга. Маҳаллада ташкил этиладиган турли тадбир ва кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси. Жорий йилнинг шу даврига қадар шундай ташаббускор фуқароларимиз кўмаги билан 10 та оилани турмушини ўнлашга эришдик. Агар муаммонинг юзага келиш сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, кўп ҳолатда учинчи шахс аралашуви, эркакнинг ишсизлиги ёки ичкиликка берилиб кетиши каби омиллар эр-хотин муносабатларини издан чиқараётгани кўриш мумкин. Маҳаллада қандай муаммо юзага келмасин, уларни ҳал қилиш учун, албатта, “еттилик” вакиллариининг бирлашиш талаб этилади. Бу масалада иш ажратиш ярамайди. Шундай экан, ҳар бир ҳодимнинг моддий қўллаб-қувватланиши, рағбатлантирилиши катта аҳамият касб этади. Агар янги ғоя ва натижалар муносиб тарзда эътироф этилса, ютуқларимиз кўлами ортиши аниқ.

“ОНАНИНГ ЮРАГИ ТАСЛИМ БЎЛМАЙДИ”

Мен, Салима Диёрова (исми ўзгартирилган) Сурхондарё вилоятида туғилиб ўсган, ҳаётдан умид ва муҳаббат излаган оддий бир аёлман. Тақдир йўли мени Тошкент вилоятининг Охангарон туманига олиб келди. Бу ҳудудга келин бўлиб тушдим, оила қурдим.



Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам олий маълумотлигимиз. Бирга кечирган йилларимиз давомиди икки нафар фарзандли бўлдик. Улар ҳаётимнинг мазмуни, келажакка боғланган умидим эди. Бироқ ҳаёт ҳамиша ҳам орзу ва интилишларимизга ҳамоҳанг бўлмади. Оилавий ҳаётимизда келишмовчиликлар, тушунмовчиликлар ортиб борди. Қайнонам томонидан қилинган босимлар турмуш ўртоғимнинг мендан узоқлашишига, ҳатто уни бошқа аёлга уйланишига ундашига олиб келди. Охири, мен уйдан ҳайдалдим... Бу пайтда қалбимда оғриқ, руҳимда бўшлиқ ҳукм суради. Ёлғизликнинг совуқ нафаси юрагимни эзди. Бир муддат ўзимни йўқотгандек бўлдим. Лекин она юраги таслим бўлмайди. Мен фарзандларим учун кучли бўлишим, улар учун қайта тикланишим шартлигини англадим.

Шундай оғир дамда Тошкент вилоятидаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази менга паноҳ, суянч, таянч бўлди. Бу ерда мени эшитишди, дардимга қулоқ тутишди. Марказдаги психолог ва мутахассислар кўрсатган ёрдам мен учун янги ҳаёт эшигини очди. Мен ичимдаги оғриқни кучга айлантирдим. Фарзандларим учун юзимда табассум, қалбимда умид билан яшаяпман. Тошкент вилоятидаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказига кўрсатилаётган ёрдам учун чуқур миннатдорчилик билдирман.

Элбек ШОЙИМ оққа кўчирди.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАНЛАРГА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИМИ?



Имомали ТУЕВ, Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси ходими.

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун бир қатор имтиёзлар соҳавий қонунчилик асосида ярати берилмоқда. Жумладан, ногиронлиги бўлган абитуриентлар учун давлат тўлови ундирилмайди. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасига асосан, мазкур тоифадаги шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида абитури-

ентларни қабул қилиш умумий сонининг икки фоизи миқдориди қўшимча қабул квотаси белгилаб қўйилган. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш кириш имтиҳонлари натижалари бўйича амалга оширилади. Ажратилган қўшимча квоталар бўйича ўқишга қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан таълимнинг ушбу йўналиши бўйича танловда умумий асосларда иштирок этади. Олий таълим муассасаларига кириш учун белгиланган икки фоизли квота I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларгагина таътиб этилади.

Оиладаги ҳаёт болага ғамхўрлик ва хавфсизликда ривожланиш имконини беради

Ҳар бир бола оила, меҳр ва ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Лекин, минг афсуски, юртимизда меҳрдан бебаҳра, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамон бор. Бу ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг алоҳида тоифаси бўлиб, улар учун жамият маънавий ва ижтимоий жиҳатдан масъулдир.

Норой СОАТОВА, Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бошқармаси бош мутахассиси.

Бир неча йил муқаддам ушбу тоифадаги болалар аксарият ҳолларда вақтинча ёки доимий яшаш учун болалар ва Меҳрибонлик уйлари, оилавий болалар масканларига жойлаштирилган. Тадиқотлар ва амалиёт шуни кўрсатадики, оилаларда, ҳатто тутинган (фостер) оилада ўсаётган бола интернат муассасаларида тарбияланаётганларга қараганда анча яхши ривожланади. Бунинг боиси, оилада бола нафақат парвариш, озик-овқат ва таълим олади, балки ҳиссий қўллаб-қувватлаш, хавфсизлик ва шахсий аҳамият туйғусини ҳис қиладди. Яна бир мисол, интернат муассасаларида ўсган болалар кўпинча ижтимоийлашувда қийинчиликларга дуч келади, ўзлаштириш даражаси паст, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва руҳий касалликлар хавфи юқори бўлади. Оиладаги ҳаёт, аксинча, болага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик ва хавфсизликда ривожланиш имкони-



Боланинг ижтимоийлашуви, жамиятда ўз ўрнини эгаллашининг энг мақбул усули — оилага жойлаштириш ҳисобланади.

ни беради. Шахснинг шаклланиши, ахлоқий қарашлари ва ижтимоий қўнимчалари, биринчи навбатда, оила муҳитида юзага келади. Айнан шу жиҳатдан келиб чиқиб, бугунги кунда давлат сиёсати болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жорий йилнинг июнь ойида мазкур йўналишга оид янги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш. Ижтимоий хизматлар. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни парвариш қилиш” миллий стандарти тасдиқланди. Мазкур ҳужжат ушбу тоифадаги болаларнинг ҳаёт сифатини оширишга, уларнинг ривожланиши, тарбияланиши ва ижтимоийлашуви учун юқори даражада қулай шарт-шароит яратишга қаратилган бўлиб, бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган. Қолаверса, халқаро ёндашувларга, шу жумладан, БМТнинг Болалар жамғармаси, ЮНИСЕФнинг болаларни оилада парваришлаш ва жойлаштиришнинг муқобил шакллари бўйича тавсияларига мос келади. Миллий стандартнинг асосий

мақсади ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар парваришини баҳолаш ва ташкил этишининг ягона ва шаффоф тизимини яратишдан иборат. У ёрдамга муҳтож вояга етмаган шахсни аниқлашдан тортиб, тутинган оила, фарзандликка олиш (патронат), муассасаларда ёки туғишган ота-онасига қайтишда барқарор ҳамроҳлиқни таъминлашга бўлган барча чора-тадбирларни қамраб олади. Бу шунчаки меъёрий ҳужжат эмас, балки давлатнинг етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тақдири учун янада юқори масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлиги ҳақидаги белгидир. Бу ҳар бир бола ўзини ҳимояланган, эътибор ва ғамхўрликда экани, ўзини керакли ҳис қиладиган жамият сари қўйилган қадамдир. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, парваришга муҳтож гўдакларга ғамхўрлик қилиш нафақат давлатнинг иши, балки ҳар биримизнинг маънавий бурчимиздир. Айнан биз уларга бахтли болалик, меъёрий ҳаёт ва ёрқин келажак имкониятини тақдим эта оламиз. Ҳар бир қадимиз эса эзгулик ва адолат сари йўналтирмоқда.

ТАҲЛИЛ



Германияда ўтказилган Бутун-жаҳон ёзги Универсиада ўйинларида енгил атлетика-чимиз **ШАРИФА ДАВРОНОВА** олтин медални қўлга киритди.



Таэквондо WT бўйича Осиё чемпионатида **НИКИТА БИБИКОВ** ва **РАЙХОНА АСАНБОВА** терма жамоамиз ҳисобига иккита олтин медални келтирди.

Мўғулистон-да дзюдо бўйича ўтказилган “Катта дубулға” турнирида **АБДУРАҲИМ НУТФУЛЛОВ** чемпион бўлди.



8

№61 | 2025 йил 30 июль, ЧОРШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

...Муҳайё ирсий касаллик туфайли 3 ёшида юролмай қолган. Спорт сабаб ҳозир ҳаракатлари анча енгил, аҳволи яхши. Пара-академик эшак эшиш бўйича бир неча бор халқаро мусобақалар ғолиби, Париж-2024 ёзги Паралимпия ўйинлари чемпиони!

СПОРТ

САЛОМАТЛИК

ЭШКАК ЭШИШ

ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ ОҒРИҚНИ ЕНГИБ ЎТИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

2024 йил Ўзбекистонда илк бор байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.



Лекин бу – бугун спорт билан шуғулланишга киришдию бирданига аҳволи яхшиланди ва шу заҳоти ютуқларни қўлга кирита бошладигани эмас. Барча муваффақиятнинг замирида машаққатли меҳнат ётади.

Эшак эшиш нимжон ва спортга хос бўлмаган бир кўринишдаги одамни ҳам бир-икки йилда жисмоний жиҳатдан ҳам, руҳий-маънавий жиҳатдан ҳам кучли қилади. Бу спорт тури билан шуғулланган ҳар қандай инсон интизомли ва чидамли бўлади.

Эшак эшишнинг учта – байдарка, каноэда ва академик эшак эшиш тури бўлиб, улар бир-биридан масофасининг узунлиги, анжомлари ва эшак эшиш

техникаси билан фарқ қилади. Академик эшак эшишда спортчи тескари ўтирган ҳолда олдинга ҳаракат қилади, бунда трассанинг стандарт узунлиги тахминан 2000 метр бўлади. Байдарка ва каноэда эшак эшиш масофалари одатда 200, 500 ва 1000 метр бўлади. Байдаркачи ёпиқ қайиқда ўтириб, икки парракли эшакни навбатма-навбат – бир бу томонга, бир у томонга ташлаб, эшиб сузади. Каноэчи эса очик қайиқда бир тиззасига таяниб, бир парракли эшакни фақат бир томонга уриб ҳаракатланади. Байдаркада мустақил шуғулланиш мумкин, лекин каноэни мураббийсиз ўрганиш қийин.

Четдан қараганда эшак эшиш пайтида инсоннинг фақат гавда қисми ҳаракатлангандек туюлади. Лекин ундай эмас.

Спортчининг ҳамма мушаклари “ишга солинади”. Мисол учун, оёқлар мустаҳкам бўлмаса, томир тортишиб қолиши мумкин. Қонни “ҳайдаш” учун эса юрак соғлом ва бакувват бўлиши керак. Шунинг учун спортчи яхши сузиши, тез югура олиши ва тошни кўтара олиши лозим. Буларни профессионал даражада уддалай билса, янада яхши. Шу боис машғулотларда куч, чидамлилик, ирода ва техникага урғу бериш лозим.

Эшак эшиш машғулотларининг дастлабки қуруқликда чиғалёзди машқларни бажаришдан бошланади. Шундан сўнг эшак эшувчилар бир ярим соатга сувга тушиб, турли техникалар бўйича шуғулланади. Бу вақт ичида улар 15 километрдан ортик масофани сузиб ўтади. Ҳар бир гуруҳ

учун машғулотлар дастурини мураббий тайёрлайди. Машғулотларнинг сўнгги қисми залда бўлади. Унда спортчилар эшак эшиш тренажерида мушакларини ва кардиотизимини мустаҳкамлайди.

Ушбу спорт тури инсонни чиниқтириш билан бирга, юрак фаолиятини, нафасни яхшилади. Сузиш жараёнида мушакларни тез ва фаол ишлатишдан ташқари, мувозанат, маром ва диққатни уйғунлаштириш талаб этилади. Бу эса нафақат жисмоний, балки руҳий оғриқларни енгиб ўтишга хизмат қилади.

Этиборлиси, эшак эшиш спортни жуда истиқболли, уни ҳар қандай сувли жойда ривожлантириш мумкин. Фақат этибор ва молиялаштириш зарур.

Академик эшак эшиш тарихидаги энг таниқли спортчилардан бири – Жорж Йеоманс Покок бу спорт турига таъриф бераркан, уни “ҳаракат симфонияси” деб атаган эди. Муҳайё эса матонат, ирода ва чидамкорликни бу “симфония”нинг асосий ноталари, деб ҳисоблайди.

Ҳаёт ҳам сувда эшак эшишдек гап. Унда чўкиб кетмаслик учун типирчилаш эмас, балки сув маромига қараб сузмак, тартибли ҳаракат қилмоқ керак.

Дилёра ИБРАГИМОВА, байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича мураббий.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНСАНГИЗ, САЛОМАТ БЎЛАСИЗ!

Ёз фаслида аҳоли, айниқса, болалар орасида авж оладиган мавсумий касалликлардан бири – ичбурғ. Тиббиётда бу патология ўткир диарея, деб аталади.



Хўш, хасталикнинг келиб чиқиши қандай омиллар билан боғлиқ? У қайси белгилар билан намоён бўлади? Қандай хавфли асоратлари бор?

Иссиқ кунларда егуликлар тез айниydi. Айниқса, сут ва сут маҳсулотлари сифати киска муддатда бузилиши мумкин. Бу – биринчи оми.

Иккинчидан, гигиена қоидаларига риоя қилмаслик ўткир диарея келиб чиқишига сабаб бўлади. Овқатланишдан аввал қўлларни совунлаб тозаласлик, мева-сабзавотларни ювмасдан истеъмол қилиш шулар жумласидан. Бу ҳолат эса, бактерия ва вирусларнинг оғиз орқали танага тушиб, ўткир юқумли ичак касалликларини кўзга солишига олиб келади.

Оқибатда диареянинг илк белгилари намоён бўлади. Инкубацион давр 2 соатдан 2 кунгача давом этиши мумкин. Холсизлик, кўнгил айнаши, қусиш, ич кетиши, иситма, қориннинг дам бўлиши ва оғриши – касалликнинг яққол белгиларидан.

Ўткир диареяда эрта ташхиснинг аҳамияти жуда катта. Чунки даво чоралари қанча тез бошланса, самара шу қадар юқори бўлади. Ичбурғда бемор зарур миқдорда суюқлик қабул қилмаса, ҳатто, дақиқалар ичида аҳволи оғирлашиши эҳтимоли мавжуд. Негаки, қусиш, ич кетиши, юқори ҳарорат

туфайли тананинг сувсизланиши тез содир бўлади. Шу аснода беморларда пешоб ажралиши тўхтаб, буйрак етишмовчилиги жараёни бошланиши мумкин. Қолаверса, сув баланси камайиши туфайли қон босими кескин тушиб кетади.

Айни сабабдан, болаларда ўткир диарея кузатилса, тезроқ шифокор қатъий назорати остида танада йўқотилган сув ўрнини ўз вақтида қоплаш чораларини кўриш лозим.

Хасталикнинг эрта босқичида ҳеч қандай томчи дориолмасдан вазиятни ўнглаш мумкин. Агар ҳам қусиш, ҳам ич кетиши кузатилса, томчи муолажаларини қўллашга тўғри келади. Бироқ қусиш тўхтамай, кучли оғриқ кузатилса, уни бартараф этиш учун алоҳида муолажалар талаб этилади.

Шундай экан, ота-оналар ёз мавсумида болаларининг овқатланиш рўйхати, егуликлар сифати, яроқлилиги ҳамда гигиена қоидаларига эътиборли бўлишлари зарур.

Наргиза АБДУЛЛАБОВА, Тошкент шаҳар 5-сонли юқумли касалликлар клиник шифонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Камҳаракатлик – қатор хавфли касалликларни келтириб чиқарувчи омил. Бу ҳолатдан, айниқса, офис ходимлари кўпроқ азият чекиши маълум. Шунга қарамай, муаммонинг оқилона ечими бор: оддий гимнастика машқи орқали саломатлики тез ва осон мустаҳкамлаш мумкин.

УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Бундай лимфа дренаж гимнастикаси тромбоз, миокард инфаркти ва қон томир касалликларининг самарали олдини олади. Бу машқни бажариш учун тик турунг, оёқларингиз елка кенлигида жойлашган бўлсин. Тўпикларингизни ердан 3-5 сантиметр кўтаринг, сўнгра кескин тушинг.

Олинган силкиниш натижасида веноз клапанлар қонни юқорига кўтариш учун қўшимча импульс олади. Кунига 5 марта 30 та шундай кўтариш ва пасайишларни бажарсангиз, касаллик ҳақида ўйлашга ҳам ҳоҳлат қолмайди. Машқни шошмасдан бажаринг.

Бундай гимнастика, айниқса, ишда узоқ вақт тик туриб ёки ўтириб ишлашга мажбур бўлган одамлар учун фойдалидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Хурофот бидъатдан ҳам ёмон

Бахтиёр ОЧИЛОВ. Наманган вилояти:

– Ижтимоий тармоқларда тарқалган бир видеога кўзим тушди. Унда никоҳ тўйи бўлган бир йиғилнинг ўртоқлари кечаси янги кўвнинг эшиги олдида чиқинди ташлаб кетишди. Яна бир видеога тўйга борган кўвнинг дўстлари тахлаб қўйилган кўрпачаларни ағдариб кетишди. Бу каби ҳолатларга динимиз муносабати қандай?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

– Динимиз бу каби хурофотларнинг ҳар қандай кўринишига қарши бўлиб келган. Зеро, муқаддас динимиз турли бидъат ва хурофотлар эмас, балки илм ва маърифат дини саналади ва доимий равишда юқоридиги каби хурофотларга қарши курашиб келади. Бундан ташқари, юқоридаги ҳолатларда ўзгаларга зарар етказиш ва бировнинг уйи олдини чиқинди билан нопок қилиш, ўзгалар меҳнатини қадрламаслик каби иллатлар ҳам мавжудки, буларнинг барчаси динимизда қайтарилган ҳаром ва ножоз ишлардан ҳисобланади. Чунки ислом шариати покликка буъоради ва нопокликдан қайтаради. Ўзгаларга зарар ва зулм эмас, балки яхшилик ва фойда келтиришга чорлайди.

Севимли Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўзларининг муборак ҳадиси шарифларида: “Мусулмон унинг қўли ва тилидан ўзгалар саломат бўлган кимсадир”,



деганлар (Бухорий ва Муслим ривоятлари). Бошқа бир ҳадисда эса: “Исролмда ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказиш йўқдир”, деб марҳамат қилганлар (Ибн можа ва Байҳақий ривоятлари).

Афсуски, шунга ўхшаш қабих одатлар ҳар жойда турли кўринишларда мавжуд бўлиб, баъзи жойларда кўв ётган уйнинг деворини кечаси билан тош ёки темирлар билан тақиллатиб чиқсалар, бошқа жойларда кўвнинг уйи олдида шағал ёки тош тўкиб кетадилар. Буларнинг барчаси хурофот бўлиб, хурофот бидъатдан ҳам ёмон ва оғир гуноҳ саналади. Чунки бидъатнинг озгина бўлса ҳам, динда асоси бўлади. Аммо хурофотнинг на динда ва на урфда асоси мавжуд бўлмайди.

Шунга кўра, юқоридаги каби асли йўқ хурофот ва бемаъни одатлардан сақланиш ва уларни бартараф этиш жамиятнинг барча аъзоларига бирдек лозим бўлади.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами – 380x587, 4 6.т. 8 570 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-720



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.